

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**«ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА
ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИ»
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Б.Хайназаров – ЎзМУ тарих факультети “Жаҳон тарихи” кафедраси доцент в.б., PhD

Тақризчилар: З.Полатходжаев – ЎзХИА “Халқаро муносабатлар” кафедраси катта ўқитувчиси.

Хорижий эксперт: т.ф.д, проф. В.В.Демидов – СИУ РАНХиГС (Россия), Халқаро муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кафедраси мудири.

Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 сентябрдаги № 3-сонли баённомаси)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	13
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	50
V. ГЛОССАРИЙ.....	61
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	66

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: фан ва техника тарихи бўйича тингловчиларда илмий-техник фаолиятнинг услугубий асосларини, фан ва техника тараққиётининг қонуниятлари ҳакидаги ғояларни, янги назариялар пайдо бўлишининг моҳиятини, илмий изланишлар қуриш мантигини ва ечимларни топиш методикасини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- “Тарих” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- фан ва техниканинг тарихий ривожланишининг асосий босқичларини ва илмий билимларнинг алоҳида соҳаларининг ривожланиш тарихини очиб бериш;
- фан ва техниканинг асосий қонунларини ҳамда уларни ривожлантиришнинг услугубий жиҳатларини аниқлаш;
- илмий кашфиётлар ва ихтиrolар тарихидан олинган билимлар асосида техник, ахборот ва таҳлилий дастурларни ишлаб чиқишининг замонавий усулларини ўзлаштириш;
- фан ва техника тарихидаги воқеаларни баҳолашда тизим ёндашуви методологиясини қўллаш тажрибасини қўллаш;
- “Тарих” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- тарих фанлари бўйича замонавий хорижий тадқиқот марказларида олиб бораётган изланишлар ва уларнинг натижаларини;
- “Шарқ Уйғониш даври”, Фарб Ренессанси ва унинг босқичларини;
- илмий-техника тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини;
- классик ва ҳозирги даврдаги тарих фанининг долзарб муаммолари ва улар борасида илгари сурилган қарашлар мазмуни;
- Европа Шарқ олимлари, файласуфларнинг тарихий назариялари ва улар ҳамда табиблар тўғрисидаги асосий маълумотларни;
- сўнгги йилларда замонавий Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихи соҳасидаги ютуклар ва истиқболлар каби масалаларни **билиши** керак.
- тарих фанини ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

- илмий мақолалар тайёрлаш ҳамда тавсияларини ишлаб чиқиш;
- инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
 - тарихий тадқиқотларда Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихини ўрганишга оид эришилган ютуқларини таълим жараёнида қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;
 - “Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихи” фанидан тингловчилар ҳар бир тарихий даврда тарихий тадқиқотлар кўлами, ҳар бир даврнинг ўз долзарб муаммоласини тадқиқотлари ва соҳа бўйича замонавий усусларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.
 - тарих фанининг хориж ва республика миқёсидаги долзарб муаммолари, ечимлари ва жараёнлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
 - креативлик ва ижодийликни Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихига оид фанларни ўқитишда қўллай олиши;
 - Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихининг ривожланиб бориш жараёнлари ва долзарб муаммоларига оид масалаларни тарих фанини ўқитишда қўллай олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усусларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихи ” модули мазмуни ўқув режадаги “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” ва “Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида булатли ҳисоблаш, катта

маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фан ва техника тарихини ўрганиш, жамият тарихи ривожланишидаги аниқ жараёнларни билиши, ўзларининг касбий вазифаларини, шунингдек, эксперт-таҳлилий ва маданий-маърифий фаолият соҳаларидаги вазифаларни ҳал қили ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория уқув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Фаннинг ривожланиши. Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлабки илмий билимларнинг шаклланиши ва тараққиёти.	4	2	2	
2.	Антик давр грек ва рим муаллифлари асарларининг араб тилига таржима этилиши. Мусулмон Уйғониш даврининг ўзига хос хусусиятлари.	2		2	
3.	Илк ўрта асрларда Европада фаннинг ахволи.	4	2	2	
4.	Илмий-техника тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари.	4	2	2	
5.	XX асрда фан ва техниканинг ягона тизимга айланиши. XXI асрдаги муҳим илмий кашфиётлар. Интернет ва унинг фан оламига кириб келиши.	4			4
	Жами:	18	6	8	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Фаннинг ривожланиши. Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлабки илмий билимларнинг шаклланиши ва тараққиёти (2 соат).

- 1.1. Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлабки илмий билимларнинг шаклланиши ва тараққиёти.
- 1.2. Қадимги Юнонистон ва Римда табиий ва аниқ фанлар ривожи.

1.3. Рим илмий дунёқарашининг асосий намоёндалари.

2-мавзу. Илк ўрта асрларда Европада фаннинг аҳволи (2 соат).

2.1. Илк ўрта асрларда Европада фаннинг аҳволи.

2.2. Гарб Ренессанси ва унинг босқичлари.

2.3. XII асрда Европада дастлабки университетларнинг пайдо бўлиши.

3-мавзу. Илмий-техника тараққиётининг ўзига хос ҳусусиятлари (2 соат).

3.1. География ва картография соҳаларини фан сифатида эътироф этилиши.

3.2. Буғ машиналарининг ихтиро қилиниши ва унинг аҳамияти.

3.3. XIX асрда фан ва техниканинг ягона тизимга айланиши.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Фаннинг ривожланиши. Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлабки илмий билимларнинг шаклланиши ва тараққиёти (2 соат).

2-амалий машғулот. Антик давр грек ва рим муаллифлари асарларининг араб тилига таржима этилиши. Антик давр олимлари. Геродотнинг “Тарих” китоби ва унинг қадимги дунё тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Мусулмон Уйғониш даврининг ўзига хос ҳусусиятлари (2 соат).

3-амалий машғулот. Илк ўрта асрларда Европада фаннинг аҳволи. Болонье, Париж, Оксфорд, Прага, Krakow университетлари (2 соат).

4-амалий машғулот. Илмий-техника тараққиётининг ўзига хос ҳусусиятлари. Андроид технологиялар. Тарихий тадқиқотларда GPS ва GIS технологияларининг ўрни. Нанотехнологиялар. (2 соат).

КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

XX асрда фан ва техниканинг ягона тизимга айланиши. XXI асрдаги муҳим илмий қашфиётлар. Интернет ва унинг фан оламига кириб келиши. (Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон Республикаси ФА, Тарих институти) (4 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);


- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сұхбатида стол-стуллар айланы шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айланы бўйлаб харакатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сұхбати” методининг тузилмаси келтирилган



Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш,

химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯхга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўниммаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

Ф	<ul style="list-style-type: none"> • фикрингизни баён этинг
С	<ul style="list-style-type: none"> • фикрингизни баёнига сабаб күрсатинг
М	<ul style="list-style-type: none"> • күрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтириңг
У	<ul style="list-style-type: none"> • фикрингизни умумлаштириңг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихини ўрганиш муаммолари қандай натижа беради?”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИ. ҚАДИМГИ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ДАСТЛАБКИ ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

- 1.4. Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлабки илмий билимларнинг шаклланиши ва тараққиёти.
- 1.5. Қадимги Юнонистон ва Римда табиий ва аниқ фанлар ривожи.
- 1.6. Рим илмий дунёқарашининг асосий намоёндалари.

Хозирги замон тарихини ва фан негизини тушуниш учун йирик базавий мутахассислик тажрибасига эга бўлган соҳа эгаларини тайёрлашга боғлиқдир. Президентимиз И. Каримов айтганлариdek, «Илм-фан – жамиятни олға юритувчи куч» бўлиб ҳисобланади. «Илм-фан» ўзи нима? «Илм-фан» - бу кўп қиррали, шу билан бирга, бир бутун маълумотки, унинг таркиби алоҳида-алоҳида гуманитар ва аниқ фанларнинг ўзаро жипслигидан иборатдир.

Фанимизнинг мақсадини қуидаги кўринишга эга эканлигини англашимиз зарур:

- фан ривожинитарихий характеристини ва илмий билимлар мажмуасини
- кўрсатиш;
- илмий тадқиқотларни ўзгариши ва дунёning ривожланишини ўрганишда
- илмий инқилобларнинг аҳамиятини кўрсатиш;
- замонавий, дунёвий ва Ватан тарихига оид фанлар ривожини кўрсатиш.

Фан - юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи соҳадир.

«Фан» - тадқиқот фаолияти соҳаси бўлиб, табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимлар ҳосил қилишга қаратилгандир.

Фан - ижтимоий меҳнат тақсимотининг натижасидир.

Илм-фан - бу инсоният маданиятидаги энг қадимги компонентлардандир. Бу кўп қиррали бой инсон билимлари дунёси бўлиб, инсонга яшашга ва дунёning барча маънавий ва моддий бойликларидан фойдаланишга имкон беради.

Фан тушунчаси – талабаларга фан тушунчаси моҳиятини етказиш анча мушкул. Фан кўп тармоқли табиий ва гуманитар фанларга бўлиб ўрганилади. Ҳар иккала тармоқ ўзаро узвий ҳолда илмий – техника инқилоби жараёнида иштирок этади.

Фан – дунё ҳақидаги объектив билимлар системаси: ижтимоий онг шаклларидан биридир. Тарихий тараққиёт жараёнида, айниқса илмий техника инқилоби даврида фан жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларига айлана боради.

Фан – табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимлар хосил қилишдан то уларни тадбиқ қилишгача бўлган фаолиятни ўз ичига олади.

Инсоният – атроф муҳит, олам сирларини ва ривожланиш механизмларини ўрганиб, улардан жамиятнинг равнақи учун фойдаланиш илм-фанни мақсадини ташкил этади. Фан кенг маънода воқеликни назарий жихатдан ёритувчи илмий механизmdir.

Фан билан санъат, дин, ахлоқ ўртасида муайян муносабат мавжуд. Фан объектив воқеликни ўрганади ва баҳолайди, мушоҳада қиласи. Санъат билан ахлоқ —фан||га ижобий ёндошувчи тармоқdir.

Фаншунослик фанларнинг ўсиши. Тузилиши ва динамикаси, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини ўрганадиган фандир. Фан ривожланишининг баъзи соҳалари олимлар диққатини ўзига тортган.

Илм-фан ривожига таъсир кўрсатувчи ижтимоий, руҳий ва бошқа факторларни биринчи бўлиб, швейцар ботаниги Декандоль ўзининг «Фан тарихи ва икки аср олимлари» китобида 1873 йилда таҳлил қилиб беришга ҳаракат қилган.

Фан тарихи асосий фан сифатида ижтимоий фанлардан 1892 йил ажралиб чиқди, Францияда биринчи бўлиб, —Фан тарихи|| деган кафедра очилди. Фан тарихини комплекс ўрганиш XX асрнинг биринчи ярмида илмий

– техник ривожланиш жараёни билан бошланди.

—Фан|| – ижтимоий институт сифатида Европада XVII-XVIII асрларда дастлабки илмий журналлар жорий этилиши билан шакллана борган эди.

—Фаннинг синфий бўлиниши|| – фанларни маълум тадқиқот принциpleri асосида ўзаро боғлиқликларини аниқлаштириш: Бу жараён уч босқичдан иборат;

қадимда ва илк ўрта асрларда фалсафий билим ривожи;

XV-XVIII асрларда илмий билимларнинг тармоқлари ва дифференцияси;

Илм- фан интеграциялашуви жараёни XIX-XX асрлар.

Фаннинг асосий мақсади - ўзи очаётган, ярататётган қонунлар асосида хаётийликни воқеа ва ҳодисаларни тушунтириб бериш, олдиндан айтиб беришга қаратилган.

Англия XVII асрнинг ўрталариға келиб аграр малакат эди. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшар ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланарди. Иқтисодиётда ўрта аср тартиблари сақланиб қолинган бўлса ҳам, улар анчагина емирилган эди. Англияда кенг кўламли тус олган ғов тутиш жараёнлари иқтисодиётда ўрта асрлардан қолган муносабатлар тизимининг синдирилишига олиб борди.

Дворянлар табақасида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Кўплаб дворянлар савдо, тижорат, саноат каби соҳаларга сармояларини киритдилар. Шу билан бир пайтда, савдогарлар, мануфактурачилар, давлат хизматчилари ва бошқа фуқаролар ер сотиб олишга ва дворянлик даражасига эга бўлишга интилдилар. Шундай қилиб янги дворянлар қатлами ўсиб борди ва кучайди.

Цех тизимининг емирилиши ва мануфактураларнинг кенг тарқалиши XVII асрнинг биринчи ўттиз йиллигида инглиз саноатининг барча тармоқларининг ўсишига олиб келди. Бундай ўсиш айниқса мовут ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноатларида кўзга ташланди.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши савдо соҳасига ижобий таъсир қўрсатди. Ички иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши мамлакат ички бозорининг сифимини оширди.

Ташқи савдо ундан ҳам муваффақиятли ривожланди ва улкан даромадлар келтирадар эди. Тайёр саноат молларини экспорт қилувчи мамлакат сифатида Англияning мавқеи ўсади. Йирик савдо компаниялари вужудга келди: Ост-Индия компанияси (1600 й.), Лондон-Виргиния ва Плимут -Виргиния компаниялари (1606 й.), “савдогарлар-авантюристларнинг янги компанияси” (1614 й.). Англия турли йўналишларда - Ирландия, Хиндистон, Америка, Африка-мустамлакачилик экспансиясини олиб борди.

XVII асрнинг 40-йилларига келиб Англия абсолютик давлат эди. Парламент табақавий тизимга эга эди. Мануфактурачилар, савдогарлар, янги дворянлар сиёсатда уларнинг манфаатлари инобатга олишни талаб қила бошладилар. Лекин абсолютизмнинг кўплаб чеклашлар билан олиб борган сиёсати бу доираларнинг тадбиркорликига тўсқинлик қиласи олиб борди.

Абсолютизмга қарши кайфиятлар парламентда-унинг қўйи палатасида кучайиб борди. Айнан жамоалар палатасида (ёки умум палата) иқтисодий юксалган джентри (янги дворянлар) ўз манфаатларини мужассам этарди. Лордлар палатаси умуман абсолютизм таянчи эди.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий силжишлар пуританизмнинг кенг тарқалиши билан бир пайтда бўлиб ўтарди. Пуританизм давлат англикан черковига қарши чиқар эди.

Иқтисодиётнинг барча соҳалардаги ўсиши Европа давлатлари қаторида Англияning мавқенини юксалтириди. Англия Голландия, Франция, Испания каби кучли давлатга айланади. Лекин иқтисодиётдаги янгича муносабатларнинг ўсишига асосий тўсиқ-абсолютизм эди.

Ижтимоий, сиёсий ва диний зиддиятлар тўпланиб борди ва инқилобий портлашни муқаррар қилиб қўйди.

Парламентдаги мухолифат тадбиркорлик эркинлигини очиқ талаб қила бошлади. Қуйи палата бутун мамлакат миқёсидаги мухолифат кучларнинг марказига айланди. Абсолютизм намоёндалари Стюартлар суласидан бўлмиш Яков I (1603-1625) ва Карл I (1625-1649) ўз ички ва ташқи сиёсатини джентри ва савдо-саноат доираларнинг манфаатларига зид олиб бора дилар. Асосий зиддиятлар уч йўналиш бўйича мужассамланди: диний, молиявий ва ташқи сиёсий.

Молиявий соҳада кўплаб солиқлар ва тўловларнинг киритилиши, диний ва ташқи сиёсий соҳаларда Испания, Франция каби католик давлатлари билан яқинлашув ва пуританизмни таъқиб қилиш мамлакатда норозиликларнинг кучайишига олиб келди.

Мухолифат қиролдан парламент билан «биргаликда ва мувофиқ» ҳолда мамлакатни бошқариши талаб қиласиди. Стюартлар эса абсолютизмнинг мустаҳкамланишига ва парламентдан мустақиллигига интилардилар.

Мухолифат мамлакат аҳолисининг кўпчилиги абсолютизмда норозилигига таянарди. Норозиликлар очиқ қўзғолонларга айланар эди.

11 йиллик парламентсиз бошқарув (1629-1640) репрессиялар сиёсати билан ифодаланди.

Вазиятни кескинлашувига Шотландия билан боғлиқ воқеалар сабаб бўлди. Шотландия Англия билан Стюартлар суолоси шахсий унияси орқали боғлиқ эди. Шотландияликларнинг диний қарашлари пресвитерианлик билан боғлиқ эди. Архиепископ Лод 1637 йилда Шотландияни бир турдаги англикан (инглиз) черкови ибодати номасига киритмоқчи бўлганида бу ҳол қўзғолонга олиб келди. 1639 йилда ёк шотландияликлар шимолий Англия ҳудудларига кириб келишди. Қўзғолонни бостириш учун қиролга маблағ зарур эди. Шу сабабли, Карл I 1640 йил апрелида парламентни чақиришга мажбур бўлди. Лекин парламент маблағ ажратишни рад этди. Натижада уч хафтадан сўнг Қисқа парламент номини олган парламент тарқатиб юборилди.

Юқори доиралардаги сиёсий инқироз мамлакат бўйлаб халқ чиқишиларини кучайтириб юборди.

Шотландияликларнинг ҳужуми 1640 йил ноябрида абсолютизмнинг аҳволини янада кескинлаштириди. Қирол яна парламентни чақиришга мажбур бўлди. Бу мухолифатнинг ҳақиқий ғалабаси эди. Итоатсиз парламент ўзини доимий фаолият кўрсатувчи деб эълон қилиб, 1653 илгача иш олиб борди. Шу сабабли, бу парламент Узоқ парламент номини олди. Бу воқеалар парламентнинг қиролга очиқ бўйсўнмаслик эди ва Инглиз инқилобининг бошланиши эди.

Бошланиб кетган инқилобда икки лагерь тўқнашди. Агар инқилобий лагерга аҳолининг турли қатламлари кирган бўлса, феодал-абсолютик лагерга асосан қирол атрофида тўпланган сарой зодагонлари, консерватив дворянлар ва англикан (инглиз) черковининг руҳонийлари кирди.

Узоқ парламентда янги дворянлар табақасидан чиққан ер эгалари кўпчиликни ташкил қиласр эди. Сити молиячилари, юристлар ва йирик савдогарлар ҳам парламентда бор эди. Мухолифатнинг етакчиси джентридан чиққан Дж.Пим эди.

Аҳолининг турли қатламлари парламентни қўллаб-куватларди. Ўз навбатида парламент мамлакатдаги олий хокимиятни-ҳам қонунчилик, ҳам ижрояни аста-секинлик билан ўз қўлига олди.

Парламент томонидан амалга оширилган ўзгаришлар яқдиллик билан қабул қилинди. Лекин кейинчалик бу яқдиллик йўқола бошлади. Оммаларнинг ўта фаоллиги дворянларни ташвишга сола бошлади.

1641 йилнинг баҳорида парламентда кўпчиликнинг яқдиллиги бузилди. Айниқса бу ҳолат 2-4 банддан иборат «Буюк ремонстрацияни» мухокама қилиш пайтида кўзга ташланди. Бу хужжатнинг асосий мақсади мамлакатда конституцион монархия тартибларини ўрнатиш эди. Мухолифат тарафдорларининг кўплари бу хужжатни қабул қилишга қарши эдилар. Лекин шунга қарамай, 1641 йил ноябрида «Буюк ремонстрация» қабул қилинди. Бу хужжат чоп этилди ва мамлакат бўйлаб тарқатилди.

1641 йил кузига келиб парламентнинг аҳволи мураккаблашди. Ирландияда қўзғолон бошланди. Қўзғолон бостирилиши учун парламент томонидан заем тўғрисидаги акт қабул қилинди (март 1642 й.) Заем қўзғолончиларнинг ерларини мусодара қилиш эвазига қопланиши назарда тутилган эди. Англия мустамлакачилигининг янги интилишлари шу ҳолатда намоён бўлди.

Қирол «ремонстрацияни» имзолашдан бош тортди ва аксилинқилобий тўнтариш уюштиromoқчи бўлди. Лекин бунинг устудан чиқаолмади. Лондонга етиб келган минглаб халқ оммалари парламентни сақлаб қолдилар. 1642 й. январида қирол унга содик бўлган шимолга жўнаб кетди ва парламентга уруш эълон қилди.

1642-1647 йй. биринчи фуқаролар уруши бўлиб ўтди. Қирол шимолий графликларга таянган бўлса, парламент иқтисодий жиҳатдан ривожланган жанубий-шарқий графликларга таянар эди. Яхши тайёргарлик ва жанговорликка эга бўлмаган, қисман ёлланма аскарлардан иборат парламент армияси 1644 йилгача мағлуб бўлиб келаверди. Парламент ва армия бошқарувида кўпчиликни ташкил этган пресвитерианлар урушни жадал олиб боришимади.

Урушдаги бурулиш парламентдаги радикал камчилик-инdepендентлар фаолияти билан боғлиқ. Инdepендентлар етакчиси Оливер Кромвель (1599-1658) бошчилигида янги турдаги инқилобий армия тузилди. Бу армия 1644 йилдан бошлаб роялистларни мағлуб қила бошлади. Ҳал қилувчи жанг 1645 йил июн ойида Нейзби ёнида бўлиб ўтди ва бу жангда роялистлар мағлуб бўлишди.

1646 йилнинг ёзида қирол таслим бўлди ва шотландияликлар ёнига қочиб кетди. Лекин шотландияликлар уни пул эвазига парламентга топширишди. 1647 йил марта роялистларнинг охирги таянч нуқталари қулади.

Пресвитерианлар 1647 йилгача ўз дастурида кўзланган ўзгаришларни амалга ошириб бўлишди. Мўътадил партия ҳисобланган пресвитерианлар энди сиёсий ҳокимиятни парламент ва қирол ўртасида бўлиб олишни хоҳлашарди. Лекин ҳалқ ва инdepендентлар бундай ҳолатдан қониқишмасди.

Узок парламентда кўпчиликни ташкил қилган пресвитерианлар ва армияни ўз назоратида ушлаб турган инdepендентлар ўртасида чуқур зиддиятлар пайдо бўлди.

Инdepендентлар дастури «Асосий таклифлар» (ёки «Таклифлар боблари») деб ном олган ҳужжатда ўз аксини топди.

Ўша даврда сиёсий саҳнада яна бир сиёсий оқим пайдо бўлди-бу левеллерлар эди. Бу оқимга Джон Лильберн (1614-1657) раҳбарлик қилди. Левеллерларнинг сиёсий қарашлари «Ҳалқ битими» деб ном олган дастурда ўз ифодасини топди.

1647 йили парламент ва армия ўртасидаги зиддиятлар янада кескинлашди. Пресвитерианлар июль ойида армияни тарқатиб юборишга уриндилар, инdepендентларни қуи палатадан ҳайдаб чиқардилар ва Лондонда ўз қўшинларини туздилар. Бунга қарши армия 6-чи августда Лондонга кириб келди. Кромвель бошчилик қўшинлар Вестминстерни куршаб олиб, пресвитерианлар раҳбарларини парламентдан ҳайдаб чиқардилар. Бу парламентнинг биринчи тозаланиши эди. Инdepендентлар нафакат армияда, балки парламентда ҳам етакчилик қила бошладилар. 1647 йил кузида инdepендентлар ва левеллерлар ўртасидаги келишмовчиликлар

армияни деярли бўлиб юборди. Фақатгина роялистларнинг бош кўтариши бу ички курашни тўхтатиб турди.

Карл Стюарт индепендентлар ҳукумронлигидан норози бўлган шотландияликлар билан тил бириктириб, иккинчи фуқаролар урушини бошлади. Роялистлар қўшинлари бутун мамлакат бўйлаб-жанубда, шарқда ва ғарбда-ҳаракатга келишди. Шотланд армияси эса шимолни ўз назоратига олди.

Генерал Ферфакс ва Кромвель қўмондонлигидаги қўшинлар роялистларга қарши чиқишиди. Фуқаролар уруши 1648 февралида бошланди. Ўша йилнинг августида Престон ёнида инқилобчилар кучлари роялистлар ва шотландияликларни батамом тор-мор қилдилар.

Пресвитерианлар индепендентлар раҳбарларининг Лондонда йўклигидан фойдаланиб армияни тарқатишга яна уриниб кўрдилар. Декабрда Лондонга қайтиб келган армия ва индепендентлар парламентни қуршаб олдилар. Парламентни пресвитерианлардан тозалаш полковник Прайдга топширилди. «Прайд тозалаши» натижасида деярли барча пресвитерианлар парламентдан ҳайдаб чиқарилди. Индепендентлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашди.

Демократик кучлар ва левеллерлар босими остида қирол устидан суд қилиш қарори қабул қилинди (1648 й. 23 декабр). Ташкил қилинган трибунал Карл Стюартни ўлимга маҳкум этди (қирол 1649 й. 30 январда қатл этилди). Қуий палата мамлакатнинг «олий ҳокимияти» деб эълон қилинди (4 январь 1649 й.). Қирол ҳокимияти ва лордлар палатаси 17-19 март 1649 йилда йўқ қилинди. 1649 йил 19 майда Англия республика деб эълон қилинди.

1649-1653 йилларда Англияни индепендентлар бошқардилар. Янги конституцияга асосан қонунчилик ҳокимияти бир палатали парламент қўлида эди. Ижроя ҳокимиятни Давлат Кенгаши амалга оширап эди. Индепендентлар демократик ўзгаришларни чукурлаштирмадилар. Шунинг учун республика демократик эмас, балки индепендентлар республикаси эди.

Республиканинг ташқи ва ички сиёсати ғолиб чиқсан табақалар (acosan янги дворянлар ва савдо-саноат доиралари) манфаатларини кўзлаб юритилар эди.

Қиролнинг қатл қилинишидан сўнг роялистларнинг ҳаракатлари кучайди. Турли ғалаёнлар ва фитналар бўлиб ўтарди. Лекин Кромвель бу чиқишлиарни муваффақиятли бостирап эди.

Левеллерлар орасида ҳам яқдиллик йўқ эди. Улар ичидан «асил левеллерлар» оқими пайдо бўлди. Асил левеллерларнинг энг таниқли намаёндаси Джерард Уинстенли (1609-1652) эди.

1649-1652 йилларда инглиз армияси Ирландия ва Шотландия бўйсундириш мақсадида ушбу мамлакатларга жазо юришлари ўтказди. Бу

урушлар инқилобий армия талончи-мустамлакачи армияга айланганидан далолат берди.

1653 йилга келиб парламент ва армия қўмондонлиги ўртасида зиддиятлар келиб чиқди. Икки куч мамлакатда тўла ҳукмронликга даъво қиласар эди.

Узоқ парламент халқ орасида демократияга қарши сиёсат олиб борувчи ташкилот сифтида гавдалана бошлади. Бундан фойдаланган Кромвель 1653 йил 20 апрелда Узоқ парламентнинг қолдиқларини тарқатиб юборди. Янги чақирилган Кичик парламент тез орада (12 декабр 1653 й.) ўзини ўзи тарқатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1653 й. 16 декабрда Кромвель республиканинг лорд-протектори (химоячиси) деб эълон қилинди. Янги конституция - «Бошқарув қуроли» - республика ташкилотлари-парламент ва Давлат кенгашини - сақлаб қолди. Лекин реал ҳокимиёт Кромвель қўлида эди. Унинг ёрдамчилари генераллар эди. Мамлакат ҳарбий округларга бўлданди ва округлар бошлиqlари этиб генерал-майорлар тайинланди.

Диктаторлик тузум мамлакатда ҳар қандай норозиликни қаттиқ қўллик билан бостирар эди. Лекин бундай сиёсат мамлакатда ижтимоий ва сиёсий барқарорликга олиб келмади. Ҳукмрон доираларда монархияни тиклашғоялари пайдо бўлди.

1657 й. май ойида Кромвелга тақдим этилган янги конституция («эҳтиром билан ёзилган петиция») протектор ҳокимиётини меросий деб эълон қилди ва лордлар палатасини тиклади. Бу монархияни тиклашга қаратилган аниқ қадамлар эди. 1658 йил Кромвель вафот этди. Унинг ўғли Ричард протектор бўлди. Лекин ҳарбий диктаторлик қилолмаган Ричард бу лавозимдан 1659 йили воз кечди.

Ҳокимиёт тепасида қолган генералитет Узоқ парламент қолдиқларни чорлади. Индепентдентлар парламентнинг иш бошлиши мамлакатда республика тиклангандек манзара яратарди.

Парламент аҳволи мушкул эди. Бир томондан парламент ҳарбий диктатурага қарши муқобил ташкилот сифатида кўрилса, иккинчи томондан унинг сиёсати халқ норозилигини келтириб чиқаар эди. Бундан ташқари генераллар парламентни назорат қилишни хоҳлашарди.

1659 йил кузида генералитет мамлакатда ҳарбий диктатураги ўрнатишга уриниб кўрди. Бундай ҳаракатлар нафақат инглиз жамиятининг турли қатламлари балки армиянинг норозилигига учради. Бу даврда Шотландиядаги армиянинг қўмондони генерал Монк шаҳси кўтарилди. Узоқ парламентнинг қолдиқлари Монк томонидан қўллаб-куватланди. Индепентдентлардан озод этилган пресвитерианлар парламентини тиклашни талаб қилган ҳаракат ҳам генерал Монк томонидан қўллаб-куватланди. 1660

йил 3-чи февралда Монк армияси Лондонга кириб келди. Пресвитерианлар Монк ёрдамида янги парламентга (конвентга) сайловлар ўтказидилар. Сайловлар эски, инқилобдан аввалги, тизим бўйича ўтказилди. 1660 йил апрелида ўз ишини бошлаган парламент биринчи қарори билан Карл Стюарт-кичикни инглиз тахтига чорлади. Республика қулади ва инқилобий давр тугади.

Назорат топшириқлари:

1. Фан тарихи асосий фан сифатида неchanчи йилда ажралиб чиқди?
A. 1870 й
B. 1879 й
C. 1888 й
D. 1892 й
2. Фан тарихи кафедраси биринчи бўлиб қайси давлатда очилган? A. Англияда B. Францияда C. Америкада D. Россияда

3. Фан классификацияси нечта босқичга бўлинади?
A.2та
B.3та
C.5та
D.4та
4. «Фан тарихи ва икки аср олимлари» асари муалифи ким?
A. Декандоль B. Диккенс C. Морган
D. тўғри жавоб йўқ

З-мавзу: ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЕВРОПАДА ФАННИНГ АҲВОЛИ.

1. XIY-XV асрларда Италияда илк уйғониш ва гуманизм.
2. Ғарбий Европанинг буюк гуманист ёзувчилари ва уларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссалари.

1- асосий савол: XIY-XV асрларда Италияда илк уйғониш ва гуманизм.

XV аср охиридан Европанинг пешқадам мамлакатларида тушкунликка юз ўтирган феодал тузумга қарши кураш авж олиб кетди: одамлар онгида ҳам ўзгариш юз берди. Сабаби Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври —Ренессанс— атамаси дастлаб Италиядаги маданий —маънавий юксалиш (XIV – XVI асрлар) га нисбатан қўлланилган уни ўрта асрлар илк турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар.

Ренесанснинг асосий аломатлари тафаккурда ва илму ижодда доктрина, жаҳолат ва мутаасибликни ёриб ўтиб инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий – фикрий имкониятларини юзага чиқариш: антик даври (Юонон-Рум) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш, черков схоластикасидан қутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизғин қўйлаш, инсон эрки, ҳурфикарлилиги учун қурашиш. Бунинг натижаси ўлароқ, илм-фан, адабиёт ва санъат ниҳоятда ривожланди. «Уйғониш» термини (французча «ренессанс») янги маданиятнинг антик маданият билан алоқадорлигини кўрсатади. Италия жамиятида қадимий классик тилларга, қадимий фалсафа, тарих ва адабиётга чуқур қизиқиши пайдо бўлди.

Флоренция шаҳри бу ҳаракатда айниқса катта роль ўйнайди. Янги итальян маданиятининг иккинчи номи, гуманизм деб номланади. Ўрта аср мафкураси диққат марказига илоҳиятни, охиратни қўйса, гуманизм маданияти инсоннинг ўзини ўз дунёқарашининг диққат марказига қўйди. Ер

юзидаги ҳаёт бирдан-бир реал ҳодиса деб тан олинди. Табиат билан инсонни эътироф этиш фаннинг моҳиятидир, деб эълон қилинди.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Европанинг барча мамлакатларида гуманизм кенг тарқалди. Италияning ўзида, XV асрда, Флоренциядан ташқарии яна Римда, Неаполда, Миланда ва Венецияда Уйғонишнинг бошқа марказлари бор эди. Ўрта аср даврида уч хил мактаб бор эди: қуий, ўрта ва олий мактаблар. Олий мактаб дастлабки вақтда «умумий фанлар» деб аталган, кейин бу номни бошқаси – университетлар деган ном суриб чиқарган. XVI асрда гуманизм узил-кесил умумевропа маданий ҳаракатига айланиб, ўрта аср схоластикасига жуда қаттиқ зарба етказди.

Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди. Илм – фан ривожланди. Италияда шоир Петрарка ва Данте, рассом Жотто, адид ва мутафаккирлар Боккаччо, Ариосто, Тассо, Беме Ренессанс ғояларининг жарчилари бўлиб майдонга чиқдилар. Кейинчалик Микеланжело, Рафаель, Шекспир, Сервантес Европанинг турли мамлакатларида буни давом эттирадилар.

2- асосий савол: Ғарбий Европанинг буюк гуманист ёзувчилари ва уларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссалари

Уйғониш даври фан ва санъат соҳасида ғоят буюк бурилиш даври эди. Флоренция бутун, Италияning маданий маркази эди. Леонардо да Винчи (1452-1519) Италиядаги Уйғониш даврининг энг буюк арбобларидан бири эди. Леонардо рассом сифатида ҳамма нарсадан кўра кишиларга ва уларнинг руҳий кечинмаларига кўпроқ эътибор берарди. Унинг «Мона Лиза» портрети жаҳонга машҳур.

Уйғониш даврининг буюк арбобларидан бири - Микеланжело (1475-1564) бўлиб, у ўзининг «Довуд» ҳайкалини яратди. Буюк арбоблардан яна бири рассом Рафаэль Сантидир (1483-1520). Унинг энг машҳур асари «Сикст мадоннаси» дир. Бу асар ғоят кучли муҳаббат билан сугорилган. Уйғониш даврининг буюк санъаткорлари кишиларни ҳозир ҳам қойил қолдираётган нодир асарлар яратдилар.

Кўпгина гуманист ёзувчилар феодал тартибларни ва черковни қаттиқ қораладилар. Шундай ёзувчилардан бири инглиз ёзувчиси Томас

Мор (1478-1535) бўлиб, у ўзининг «Утопия» асари билан машҳур. Ёзувчи асардаadolatли тузумни таърифлайди.

Улуғ ёзувчи Вильям Шекспир (1564-1616) нинг бутун ҳаёти театр билан боғланган эди. У трагедиялар, комедиялар ва тарихий драмалардан иборат 37 та пьеса ҳамда кўп шеърлар ёзган. Шекспирнинг «Хамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Ромео ва Жульєтта» трагедиялари билан машҳурдир.

Испан гуманист ёзувчиси Мигель Сервантес (1547-1616) нинг «Дон Кихот» асари билан машҳур. Бу асар дунёдаги ёвузлик ваadolatsизликка қарши фидокорона курашга чорловчи романи турли мамлакатлардаги кишиларнинг севимли китоби бўлиб қолди.

Йирик сиймолардан яна бири флоренциялик Данте Алигьери эди. У ўзининг «Дўзах», «Машҳар» ва «Жаннат» уч қисмли поэмаси билан машҳур.

Китоб босишининг ихтиро қилиниши янги маданиятнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Иоганн Гуттенберг (1400-1468) нинг китоб босиш ишини ихтиро қилишда кўрсатган хизмати шундаки, у ҳаракатланадиган ҳарфлар ихтиро қилиб, улар бошда ёғочдан ясалди, кейин эса бу ҳарфлар металл ҳарфлар билан алмаштирилди. Бу ихтиро 15 йил ўтгач ошкора бўлиб, у Германиядан бошқа давлатларга ёйилди. Китоб босишининг ихтиро қилиниши жуда катта аҳамият касб этди. Бу эса маорифнинг равнақ топишига замин яратилди.

Ўйғониш даврида театр санъати хаёт кўзгуси ҳисобланиб, кўп қиррали инсон характеристи, реал воқелик зиддиятларини акс эттиришга алоҳида аҳамият берди. Бу давр театр намояндадари антик драма тажрибаларидан фойдаланиб ҳалқ томоша санъати анъаналарини ривожлантирилди. Кундалик хаёт завқ – шавқини идрок қилишга даъват этилган дунёвий сахна асрларини яратишга ҳаракат қилидилар. (Л. Ариосто, А. Полициано, Н. Макиавелли ва б). Испанияда ўйғониш давридаги театр ривожи М. Сервантес ва Лопе де Вега, Англияда У. Шекспир ижоди билан боғлиқдир. Ўйғониш даврида театр санъати профессонал омиллари кучайди. Драматургия ва актёрлик санъати назарияси қарор топди, илк театр бинолари қурилди.

Ўйғониш даври меъморчилиги қадимги анъаналарни ўзлаштириб, уни янги мазмун билан бойитди. Янги меъморий қуруулмалар вужудга келди. Кўп қаватли уйлар, янги қиёфадаги жамоат бинолари қад кўтарди. Бинони ташқи ва ички томонларини безаш, кенгликни ташкил этиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бу ўзгаришлар Италияning

Флоренция, Пиза, Сиена, Генуя, Милан айниқса Венеция шаҳарларида жуда сезиларли бўлди. Улкан бинолар, ғоят катта гумбазли ва бир нечта устунли сарой ва ибодатхоналар қурилди, айниқса Флоренциялик меъморлар антик меъморлик анъаналари ва ордер тизимидан унумли фойдаланди. Бу анъаналарни ўрта аср Италиялик меъморлик техникаси ютуқлари, маҳаллий қурилиш хом ашёлари ва конструкциялари билан уйғуллаштириб, Ренессанс меъморчилиги услубини яратдилар. Девор сатҳи текислигининг яхлитлигига эътибор кучайди, меъморлик мужассам чизиқли ритми ва мутаносиблигига хонани кенглигига, унинг яхлит ва кўркамлигига аҳамият берила бошлади. Туарар – жой ва ибодатхоналар қурилиши ҳам янгиланди. Шаҳарнинг ижтимоий маъмурий маркази тарихи ва тузилиши билан боғлиқ бўлган янги типи пайдо бўлди. Флоренцияда шаклланган юксак уйғониш даврининг мумтоз услуби Римда, кейинроқ Венецияда монументал ёдгорликлар (монументал санъат) яратилишига сабаб бўлди.

Ост-Индия, Гвинея ва бошқа савдо компаниялари, айниқса қул савдоси билан шуғулланувчи, улкан даромадлар келтираардилар.

XVIII асрнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида икки ўта муҳим жараён рўй берди: XVI асрда бошланган аграр инқилоб якунланди; ғов тутиш ва деҳқонларни ерлардан ҳайдаб чиқариш улкан кўламда амалга оширилди. Ғов тутишларга қарши курашганлар қаттиқ жазоланарди. Кўплаб хонавайрон бўлган деҳқонлар, ёлланма қишлоқ ишчилари ва қишлоқ хунармандлари шаҳарларга иш қидириб келардилар, қашшоқлар ва дайдилар сафига қўшилардилар.

Деҳқонлар ва майда хунармандларнинг хонавайрон бўлиши оқибатида арzon ишчи кучи бозори пайдо бўлди, бу эса, ўз навбатида, ёлланма меҳнатнинг ривожланишига кўмаклашди. Қишлоқ хўжалигида деҳқонларнинг майда эгаликлари ўрнига ўрта ва йирик фермерлик хўжаликлари шаклланди. Хонавайрон деҳқонларнинг қўплари Шимолий Америкадаги мустамлакаларга йўл олди.

Мамлакатда молиявий доираларнинг қудрати ошиб борди. 1694 йилда Инглиз банкига асос солинди. Ушбу муассасанинг заёмлари ва пул операциялари туфайли XVIII асрда сертармоқли молиявий тизим вужудга келди.

XVIII аср саноатида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Майда ишлабчиқариш ўрнини мануфактуралар эгаллади. Инглиз саноатининг қиёфасини ўзgartириб юборган ихтиrolар қилинди:

Дж. Кейнинг учувчи (тезкор) мокиси (1733 й.), Дж. Харгривснинг “Дженни” номли механик йигирувчи чархи (1765 й.), Р.Аркрайтнинг сув

двигатели билан ҳаракатга келтириладиган станок (дастгох) (1769 й.), Г.Кортнинг минерал ёнилғида пўлат эритиш усули (1784 й.) ва бошқ.

1765 йилда Джейм Уатт бўғ машинасини қурди, 1771 йилда эса уни такомиллаштириди. Бу ихтиро фабрика ишлаб чиқариши учун улкан таъсирга эга бўлди. Саноат корхоналарининг дарёлар энергиясига боғлиқлигига барҳам берилди ва бу ҳолат фабрикаларнинг барча жойларда қурилишига олиб келди.

Саноат тармоқларидан тўқимачилик, металлургия, кўмир саноатлари тезкор суръатларда ривожланди.

Мамлакатда янги саноат марказлари юзага келди – Манчестер, Бирмингем, Ливерпуль ва бошқ. Саноатнинг ривожланиш фабрикаларидан ишлайдиган ёлланма ишчилар қатламини шакллантириди. Фабрикалардаги меҳнат ўзининг оғирлиги ва бир хиллиги билан ажралиб туради. Иш куни 14-18 соатдан иборат бўлиб, маош ўта кам миқдорда тўланарди. Фабрикаларда кўплаб аёллар ва болалар меҳнат қиласидилар. Янги машиналарнинг ихтиро қилиниши кўплаб ишдан бўшатишларга олиб келарди. Машиналарни синдириш ва мажақлаб ташлаш (луддчилик) ишчилар норозилигининг дастлабки шаклларидан бири эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида стачка (иш ташлаш) ҳаракати юзага келди. Ишчилар астасекин бирлашдилар ва ўз хуқуqlари учун курашни бошладилар.

XVIII асрда инглиз Маърифатчилиги гуллаб - яшнади. Дж. Локк, Дж. Толанд, Г.Боллингброк ва бошқаларнинг асалари бунга замин яратди. Инглиз маърифатчилари шахс эркинликларининг устунлигини, халқ суверенитети ва унинг сиёсий ҳаётда иштирок этиш хуқуқини эътироф қиласидилар.

Иқтисодий ўсиш талабларига мос равища иқтисодий назариялар хам пайдо бўлди. Адам Смит давлатнинг иқтисодий бойиши, эркин рақобат ва қиймат назарияларини ёқлаб чиққанди. Янги сиёсий таълимот хам юзага келди. Т.Мэн, Дж.Пристли, У.Голдвайннинг қарашлари радикал-демократик йўналишга эга эди.

Адабиёт ва санъатда ривожланиш кўзга ташланарди. Д.Юм ва Э.Гиббан йирик тарихий асалар яратдилар. С.Ричардсон, Г.Филдинг, Т.Смоллеттнинг романлари ўта машҳур эди. Бундан ташқари, Дж. Свифт, Л.Стерн, О.Голдсмит, Л.Стаун ўзларининг оригинал асалари билан ажралиб турадилар. Рассомлик санъатида атоқли усталар У.Хагарт, Дж.Рейнольдс, Т.Гейнсборо улкан чўққиларни эгалладилар.

Франция XVII асрнинг иккинчи ярми-XVIII асрда.

XVII асрнинг ўрталарида Франция Фарбий Европанинг энг йирик ва марказлашган давлати эди. Бош вазир кардинал Ришелье (1624-1642) даврида абсолютизм мустаҳкамланди. Ўттиз йиллик урушнинг ғолибона натижалари Европада Франциянинг ҳарбий-сиёсий устунлигини таъминлади.

Мамлакат иқтисодиёти аграр тавсифига эга эди: аҳолининг 85% қишлоқда яшар эди. Саноатда етакчилик ролини тўқимачилик тармоғи ўйнар эди.

